- 8 797

"ДУОБА" ЖАҲОНГА ЧИКМОҚДА

САМАРҚАНД. Нарпай туманидаги "Дуоба" кичик корхонасида мармарни хеч қандай портлагичлардан фойдаланилмаган ҳолда қазиб олиш усули қўлланилмоқда. Мутахассислар яратган махсус қоришмани Тошкентдаги қурилиш илмий-тадқиқот институти олимлари юқори баҳоладилар. Бу қоришмани жаҳон кўргазмаларига экспорт қилиш учун рухсат намойиш этиш ва хорижий мамлакатларга экспорт қилиш учун рухсат қоғози ва патент қутилмоқда.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ЙИЛ ОЙ КУН 3 ИЮЛЬ

УРУҒЛИК ОРТИЛГАН ВАГОНЛАР

АНДИЖОН. Шу кунларда "Андижондонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамиятининг Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Жалолқудуқ, Избоскан туманларидаги дон қабул қилиш корхоналаридан уруғлик ортилган вагонлар йўлга чиқди. "Скифиян-Сурхондарё, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларига жўнатилган 200 минг тонна сара уруғлик етказиб бериш кўзда тутилган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

РАСМЛАРДА ВАТАН ТИМСОЛИ

ТОШКЕНТ. Мусаввир Абдукаҳҳор Маҳкамов билан тарихшунос олим Ҳамдам Содиқовнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги самарали кечди. Рассом эрамиздан аввалги VII-VI асрлардан то 1337-1381 йилларга қадар сарбадорларгача бўлган давр қилган, сарбадорларга то ҳаётини ранг-бўёқларда истикомат қилган "Чўлпон" нашриёти мусаввир Якинда "Чўлпон" нашриёти мусаввир яратган асарлар асосида китоб чоп этди. 30 минг нусхадан иборат бу китобча ватан туйғусини дилларга жо қилаётган ёш авлод учун муносиб тухфа бўлди.

Махмуд АҲМЕДОВ.

ЙИЛ ОЙ КУН 3 ИЮЛЬ

КЎШИК БАЙРАМИГА ХОЗИРЛИК

НАВОИЙ. Вилоятда "Мадҳингни куйлайман, азиз Ватаним" кўрик-танловининг якунловчи босқичи ўтказилди. Бу гал шаҳар ва туманлараро танловларда ғолиб чиққан 33 нафар ашула ва рақс дасталари, фольклор ва этнографик гуруҳлар иштирок этди. Шундан 12 таси вилоят бўйича ғолиб, 7 таси вилоят бўйича ғолиб, деб топилди. Биринчи ўрин Зарафшондаги "Атлас" вокал-чолғу дастаси қўшиқчиси Нодира Аҳмадбекова ижросидаги "Ўзбекистон" ашуласига берилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 3 июль, пайшанба № 77 (22.161).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1992 йил 3 июль — **Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жун Андижон вилоятининг прицеплар заводи ҳамда Тошкентдаги «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.**

1996 йил 2—3 июль — **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминь расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Икки давлат ўртасида қўшма декларация имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида даромадлардан икки ёқлама солиқ олмаслик, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.**

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ УСТУНИ

ЁКИ ДОНО БИЛАН ДОНИШМАНДНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?

Фармон ва шарҳ

Яқинда Самарқанднинг узоқ туманидан Тошкентга нажот излаб келган бир отахон билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, ички ишлар бўлими ўғлини ноҳақ қамаб қўйибди. Ҳозир тергов кетаётганмиш. Суҳбатлашиб билдимки, у туман, вилоят прокуратураси ёки Ички ишлар бошқармасига учрашмаган. Тўғри Тошкентга йўл олган. Унга тергов кетаётган пайтда матбуот бу ишга аралашиши мумкин эмаслиги, шунча йўлдан овора бўлиб келмай, ортиқча сарф-харажатга тушмай вилоятдаги тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши кераклигини айтдим. Узоқ тушунтиришдан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб «Ҳа, энди қайдан билай ука, биз бир деҳқон одам бўлсак, энди Тошкентдан бирорта катта аралашса тезроқ ҳал бўлар деб ўйловдимда» деди.

Ростдан ҳам бундай ҳолатда биринчи бўлиб кимга, қандай мурожаат қилишни у қаердан билсин. Биров ургатмаса, айтмаса. Ҳужалик раҳбари, ёки туман идоралари раҳбарлари устидан шикоят қилиб, бир пайтнинг ўзида республика миқёсидаги бир неча ташкилотларга хат ёзувчилар оз эмас. Аслида бу аризалар билан дастлаб вилоятдаги масъул идоралар шуғулланиши керак. Кўпгина муаммолар жойида ҳал бўлиши мумкин. Баъзан масалага дахли бўлмаган идоралар остонасида овора-ю сарсон бўлиб юрганларни учратамиз. Қонунни билмаган одам кўзи ожиз кишидек қайси йўлдан юришни билмайди, оқибатда беҳуда вақти кетади, моддий зарар кўради, асаблари қақшайди.

Буниси ҳам майли, қонундан бехабар киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмай оғир мусибатларга дучор бўлиши мумкин. Ҳаётда бундай мисоллар кўп. Англамасдан ҳужжатларга имзо чекиш, юридик жиҳатдан тўлақонли бўлмаган шартномаларни тузиш оқибатида қуйиб қолганлар қанча. Қисқаси ҳуқуқий билими ночор шахс ўзини ҳам, оиласини ҳам, меҳнат жамоасини ҳам ҳимоя эта олмайди. Энг ҳавфлиси уни ким қаёққа етакласа кетаверади. Фуқаролари етарли ҳуқуқий билимга, маданиятга эга бўлмаган мамлакатда эса демократик давлатни қуриб бўлмайди. Демократия йўқ жойда тараққиёт тўхтайди, якка ҳокимлик, адолатсизлик авж олади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танладик. Республикамизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг ҳаммаси ана шу мақсад сари йўналтирилмоқда.

Бироқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш осон кечмаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Собиқ шўро сиёсатидан қолган буйруқбозлик, бюрократлик, қонунни менсимаслик, хизмат мансабини суиистеъмол қилиш каби иллатларни бартараф этиш, одамлар онгида янгича тафаккурни шакллантириш мураккаб жараён. Энг даҳшатлиси мустабидлик даврида халқларга ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларини билишга изн берилмасди. Нимани-дир англаб, ҳуқуқини талаб қилганлар иғвогарга, душманга чиқарилиб жазоланарди. Давлат сиёсатига, ишига аралашишга, фикр билдиришга ҳаққи борлигини оддий одам билмасди. Тузумнинг ўзи бунга йўл қўймасди.

Шу ўринда ҳаётга бир тарихий сабоқ келади. Араб алифбосидан лотинга, сўнгра кирилл алифбосига ўтказилган халқимизни саводсизликда айблашганди. Қисқа фурсатда уч бора ёзув алмаштирилиши оқибатида юзага келган муайян қийинчиликлар сабаби эътироф этилмай, атайлаб камситилдик. Шу боисдан ҳозир қуллик тузумидан мустақилликка ўтган халқни ҳуқуқий билими етишмасликда айблаб бўлмайди. Бунга халқ айбдор эмас, ўша мустабидлик тузум айбдор.

Қулликдан қутилган одамнинг эркинликка ўрганиши, янги тузумни англаши учун ҳам вақт керак. Ўтиш даври қанчага чўзилиши ўша мамлакат танлаган йўл, олиб бораётган сиёсатга боғлиқ. Биз шошма-шошарлик билан йўл тутмадик, сохта шон-шуҳрат кетидан қувмадик. Узоқни кўзлаб, изчил сиёсат олиб боряпмиз. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ўтиш даврининг беш тамойили босқичма-босқич амалга оширилаётир. Ана шу тамойилда кўрсатилганидек, қонун устиворлигини таъминлаш ҳукуматимиз диққат марказида турибди. Президентимиз қўплаб йиғинларда бу масалага алоҳида тўхталди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи идоралар, ҳуқуқшунос олимлар, журналистлар билан бўлган учрашувда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жиддий тарзда кун тартибига қўйилди. Аниқ таклифлар, вазифалар айтилди.

Куни кеча эса Республика Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» Фармони чиқди. Бу Фармон юқоридаги учрашувда кўтарилган масалалар, вазифалар доирасини янада кенгроқ, аниқроқ қамраб олган. Унда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланиши қайд этилган. Аслида бу масала мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилганди. Энди эса ушбу Фармон қонуний асос яратди, раҳбарлар, мутахассислар, зиёлилар, қўйингки, ҳар биримиз зиммамизга мажбурият юклади. Фармоннинг мақсади, аҳамияти унинг сўз бошисидаёқ ойдин айтилган. Бу ҳужжат ижроси биринчидан қонунчиликни мустаҳкамлашга, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтиришга, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Иккинчидан маънавий ва маданий ривожланишни таъминлайди. Учинчидан айнан ҳуқуқий ислоҳотлар иқтисодий ислоҳотлар ривожида муҳим аҳамият касб этади. Тўртинчи — энг муҳими ижтимоий адолат қарор топишини таъминлайди. Қонун устувор бўлса, қонун олдида ҳамма баробар бўлса инсон ҳуқуқлари топталмайди.

Фармонда кўтарилган вазифалар аниқ, уларнинг ижроси бўйича нималар қилиш кераклиги ҳам кўрсатилган. Фақат айрим иборалар ҳақида яна бир бор тўхталиш фойдадан холи бўлмайди.

1. Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш. Бу нима дегани?

Инсон болалигидан мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларни англаб олмоғи зарур. Қонунчиликнинг оддий қоидаларини ҳар бир фуқаро билиши шарт. Билган одамга қонун қалқон вазифасини ўтайди. Фуқаролари қонунни яхши билмайдиган мамлакатнинг қулоғи яхши эшитмайди, кўзи яхши кўрмайди. Ҳуқуқий тарбия ахлоқ-одоб, хатти-ҳаракат меъёрини белгилайди. Инсон қонун доирасида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этади.

2. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш. Буни қандай тушунмоқ керак?

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тарбиянинг юқори чўқиси. Қонунни билиш дегани бу ҳали ҳуқуқий маданият дегани эмас. Қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш ҳуқуқий маданиятга киради. Бунга эришиш учун Фармонда таъкидланганидек, ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини чуқур англамоқ зарур. Ҳуқуқий билимли одам билан ҳуқуқий маданиятли одам ўртасидаги фарқни янада соддароқ ва аниқроқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Доно одам билан донишманд одамнинг ўртасида қандай фарқ бор? Доно одам ҳар қандай оғир вазиятдан ҳам чиқиб кета олади. Донишманд эса ўшандай вазиятга ҳеч қачон тушиб қолмайди. Яъни, ўша доно — ҳуқуқий билимли одам, донишманд эса ҳуқуқий маданиятли одам.

3. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш. Юқоридаги вазифаларни бажариш, донони ҳам донишмандни ҳам, тарбиялаш кадрларга боғлиқ. Афсуски, ҳозир бизда мактаблар ва ўқув юртларида ҳуқуқий тарбия берадиган мутахассислар ўта тақчил. Фармонда кадрларни тайёрлаш, юристлар малакасини ошириш бўйича вазифалар аниқ белгиланган. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, юристлар малакасини ошириш марказининг тузилиши, Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузилиши юқоридаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

4. Жамоатчилик фикрини ўрганишдан мақсад нима?

Аввало шуни айтиш керакки, жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази нодавлат мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида фаолият кўрсатади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш дегани бу — халқнинг қалбига қулоқ тутиш дегани. Одамларнинг хоҳиш иродасини ҳисобга олиш дегани. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Собиқ шўро замонида халқ фикри билан ҳисоблашилмасди. Ўша тузумнинг фожиаси ҳам ана шунда эди.

Энди эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари талабларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш, таклифлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалар қаторида кун тартибига қўйилди. Чунки бу масала давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Фармоннинг ҳар бир банди бир-бирига узвий боғлиқ. Ва айни чоғда бутун йўналиш бир мақсадга — адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган. Энди ҳамма гап ҳар биримиз мустақил Ватанимиз, миллатимиз истиқлоли олдидаги бурчимизни нечоғли англашимизга боғлиқ.

Сафар ОСТОНОВ,
ҳуқуқий шарҳловчи.

ЮРТБОШИМИЗ АСАРИНИ ПУХТА ЎРГАНИБ, КЕНГ ТАРҒИБ ЭТАЙЛИК!

Партия ахбороти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти «ХДП ташкилотларининг республика Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини партия аъзолари томонидан ўрганишни уюштириш ва унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда иштирок этишларига доир вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда айтилишича, Марказий Кенгаш Котибияти юртбошимиз янги китобининг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз хавфсизлигини ҳамда жамиятимиз барқарорлигини, унинг тараққиётини таъминлашга қаратилган туб ислоҳотларни изчил амалга оширишда катта назарий, сиёсий, амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уни барча ташкилотларимизда 1997 йилнинг иккинчи ярмида чуқур ўрганиб чиқишни уюштириш вазифасини ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига топширди, шунингдек, уларнинг ва партия матбуоти нашрларининг асарда баён этилган ғоялар, қоида, хулосаларни кенг тарғиб қилишида фаол иштирок этишларига оид тавсиялар берди.

Котибият Президентимизнинг мазкур китобини жамоавий тарзда ўрганиб чиқишга мўлжалланган машғулотларнинг Намунавий режаси ва унда баён этилган ғоялар, қоида ҳамда хулосаларни кенг тарғиб қилиш юзасидан ўтказиладиган анжуман, маъруза, суҳбат, мулоқотларнинг Намунавий мавзуларини маъқуллади.

Китобга бағишланган тадбирларни ўтказиш жараёнида, асарнинг мазмун-моҳиятига таянган ҳолда, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, мамлакатимизда юз берган тарихий ўзгаришларни тарғиб қилиш билан бир қаторда фуқаролар диққатини мавжуд муаммоларга, ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Инсон манфаатлари йили вазифаларини тула-тўкис бажариш масалалаарига қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Саратон. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Кеча Россия Бош вазири ўринбосари Анатолий Чубайс кўмир қазиб чиқарувчи ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича идоралараро комиссиянинг мажлисини ўтказди.*

* * *

☑ *Тбилиси шаҳрида Грузия — Абхазия келишмовчилигининг олдини олиш бўйича Россия тинчлик кучларини сақлаш муддатини узайтириш масалалари бўйича келишиб олинди.*

* * *

☑ *Бельгия пойтахтида пиво байрами ўтказилди.*

* * *

☑ *Фаластин маъмурияти Арофат томонидан илгари сурилган Исроил-Фаластин музокаралари юзасидан талаблар бажарилмаса, хавфсизлик бўйича ҳамкорлик ўрнатилмайди.*

* * *

☑ *Оқ уй Билл Клинтоннинг Эдуард Шеварднадзе ва Ҳайдар Алиев билан учрашиши мумкинлиги ҳақида хабар берди.*

* * *

☑ *Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ўтган куни Жиддага етиб келди. Расмий маълумотларга кўра ташрифнинг бориси муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага зиёрат қилишдир.*

* * *

☑ *Чеченистон Президенти Аслан Масхадов ишчи ташрифи билан Озарбойжонда меҳмон бўлиб турибди. Унинг нияти — Чеченистон билан Озарбойжон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш.*

* * *

☑ *АҚШ давлат департаменти вакили Жон Дингер Нью-Йорк шаҳрида Америка ва Шимолий Корея ҳукуматлари вакилларининг учрашуви бўлажагини маълум қилди. Учрашувда оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, корейс ярим оролида бўлган урушда асир олинган ва бедарак йўқолган американлик аскарларни топиш масалалари кўрилади.*

* * *

☑ *Ригада Болтиқ денгизи мамлакатлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Унда 11 мамлакатнинг ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарлари иштирок этмоқда.*

Ўзгаришлар шабадаси

АМЕРИКА САХОВАТИ

Америка Қўшма Штатларидаги «Прожет Хауф» фондининг 3,5 тонналик инсонпарварлик ёрдами Навоий вилоятига етиб келди.

— Биз инсонпарварлик ёрдамини асосан Оролбўйи аҳолиси, шунингдек Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари аҳолиси учун ажратганмиз, — дейди шу фонд вакили Жон Терней. Навоийга келтирилган тиббиёт жиҳозларининг асосий қисми бир маротаба ишлатиладиган замонавий шприц ва игналардир. Булар асосан болалар касалхоналари ва туғуруқхоналарга берилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРЛАРИ МАМНУН

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар малакасини ошириш олийгоҳида ўзига хос тадбир ташкил этилди. Хусусан, қишлоқ шифокорлик пунктлари шароитида ишловчи тиббиёт ходимлари учун тўрт ойлик малака ошириш курслари очилди. Шу аснода халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган «Юрак-қон томирлари касалликларини дори-дармонлар билан даволаш муаммолари»га бағишланган илмий-амалий конференция айни муддао бўлди. Бу йиғилишда дунёнинг 40 дан ошиқ мамлакатига 80 дан зиёд дори-дармонларни экспорт қилаётган «МЭФА» фирмасининг менежери Дан Гума жанобларининг мулоҳазалари диққатни тортди.

Носир БОТИРОВ.

ЁШ КАДРЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Мустақил Ўзбекистон ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичини, яъни тараққиёт даврини бошидан кечирмоқда ва иқтисодиётнинг барча жабҳаларида сезиларли даражада олға силжишлар содир бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бу йил «Инсон манфаатлари йили» деб аталган. Демак, ҳар бир бажарилаётган иш инсонлар манфаатига, кишиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилиши лозим.

Шулардан келиб чиқиб, институтимизда замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Институт ходимлари ўз зиммаларидаги вазифалар билан чекланиб қолмай, ҳозирги кунда бир қатор ишларни амалга оширяптики, бу ишлар бир тарафдан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берса, иккинчи томондан ўқувчи ёшларнинг маълум бир малакага эга бўлиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Бундай ишлар жумласига нималар киради?

Масалан, институт қошида иккита лицей бўлиб, уни битирган талабалар ўрта маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда ўз йўналишига қараб компьютер оператори ёки кичик бухгалтер бўлиб ишлаши мумкин. Худди шундай ишлар яна учта мактаб билан шартнома асосида ташкил этилган.

Бундан ташқари, институт қошида шартнома асосида кичик бухгалтер, оператор тайёрлаш курслари ташкил этилган. Бу курсларни битирганлар ҳам бухгалтерия ҳисоби бўйича кичик мутахассис ёки компьютер техникаси оператори каби малакасини тасдиқловчи сертификат олишга муваффақ бўлади.

Институтда тадбиркорлик борасида юқорида қайд этилган ишлардан ташқари қисқа муддатли малака ошириш курслари йўлга қўйилган. Тингловчилар белгиланган муддатда дахлдор фанлар бўйича маъруза эшитиш билан бир қаторда, янги қонун ва қоидалар бўйича ҳужжатлар пакетини олиш имкониятига эга бўлади.

Қисқа муддатли курс фаолиятидан, бир тарафдан, институт манфаатдор бўлса, иккинчи тарафдан корхона ва ташкилотлар ҳам манфаатдордир. Институт манфаати шундаки, у ўзининг интеллектуал имкониятидан келиб чиққан ҳолда бюжетдан ташқари маблағ топиш имконига эга бўлади, тингловчилар эса ўз билимларини оширадилар, янги ҳужжатлар тўпламини оладилар ва улардан иш фаолияти доираларида фойдаланадилар.

Бу тушумлар эвазига институтнинг барча профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари моддий рағбатлантирилади, мударрисларнинг фаоллик даражасига қараб қўшимча ҳақ тўлаш миқдори белгиланади. Демак, ҳар бир профессор-ўқитувчи мумкин қадар ўз интеллектуал имкониятини ишга солишдан манфаатдор.

Институт қошида ташкил этилган турли қисқа муддатли касб ўргатиш курслари ҳам касб эгалари тайёрлаш борасида муҳим вазифани адо этмоқда. Бу курсларга мактабнинг юқори синфида ўқиётганлар ёки мактабни тугаллаб, маълум бир ўқув юртига киролмаган ёки ишга жойлаша олмаган ёшлар қабул қилинади.

Институтнинг муқобил режасига кўра, 1997 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб институт қошидаги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга ташкил этилган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида солиқ агентларини тайёрлаш курслари ташкил этилиши режалаштирилган. Ўқиш муддати 10 ой бўлган бу курсга ўрта маълумотга эга бўлган ёшлар солиқ ташкилотлари тавсиясига кўра қабул қилинади. Ўқув дастури институт ва Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари билан тузилган бўлиб, назарий билим бериш солиқ ташкилотларида амалий машғулотлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Курсни тугаллаган ёш мутахассислар солиқ ташкилотларига ишга жойлашибгина қолмай, ўз билимларини сиртқи ўқув шаклида умумий қоидалар асосида давом эттириш имконига эга бўладилар.

Истиқбол мактаби

Фатҳулло КАРИМОВ,
Тошкент молия институти проректори, профессор.
Ҳайитмурод ХЎЖАҚУЛОВ,
шу институтнинг аспирантура бўлими бошлиғи, доцент.

ТУРТКИДАН — ТАШАББУС, ТАШАББУСДАН — ТАМОЙИЛ

Одамларнинг кўнгли эзгулик, яхшиликлар учун ҳамиша очиқ бўлиб келган. Яхшилик учун айтилган бир оғиз сўз ташаббусга, кичкина бир ҳаракат тамойил тусига кириши — шундан.

Шу ўринда Денов пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти ишларидан сўз юритмоқчимиз. Завод директори ташкилот билан баҳамжиҳат ишлашни зарурат деб билади. Ишлаб чиқариш муаммоларига тегишли гаплар ўзидан ортмаслигини билган, бу ишни эплаб келаётган бу одам маънавият ва маърифатга тааллуқли юмушларни маслаҳатлашиб олмоқ учун кенгашимизга келиб туради. Бу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, завод ўз ишчиларининг манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун маънавий-ташкилий шароитлар яратишни уддалади. Бу ерда, масалан, бугун вилоятда кўзкўз қилса арзигулик 150 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. Завод вилоятда ягона 1-боғча-мактаб-гимназиянинг (иқтидорли болалар боғчадан мактабга, мактабдан гимназияга танлаб олинади) оталиғига олди. Ҳаммасидан ҳам муҳими-ишлайдиганлар завод маъмурлари олиб бораётган ишларнинг адолатли эканлигига шубҳа қилмайдилар. Заводнинг ишини жон-дилдилари билан адо этадилар.

Партия ҳаёти

Денов педагогика билим юрти бошланғич партия ташкилотининг ҳам кичкина бир иши бошқа жамоаларнинг эътиборини тортди. Билим юртида «Нафосат» хонаси ташкил этилган. Хона миллий буюмлар билан безатилган. Аждодларимизнинг келинлик тақинчоқлари, либослари териб қўйилган. Хуллас, хонага кирган одам ўзининг етти пушт нари бобо-момоларининг уйига меҳмонга келгандай ҳис қилади, ўзини. Айни замонда бу ерда ёшларга тарихдан ҳам кўра бугуннинг илмидан, Ўзбекистонимизнинг келажагидан кўпроқ сабоқ берилади.

Кенгашимиз таркибида уч ярим минг аъзо 220 бошланғич ва маҳалла цех партия ташкиллотларига уюшган. Иқтисодий ислоҳотлар жонкуярлари бўлмиш партия ташкилотлари хусусида илиқ гаплар кўп.

Лекин, фалони яхши ишлаяптию, пистони даврнинг талабидан орқада қолаяпти, деган андозадан воз кечиб айтишим мумкинки, кенгашимиз биров чалган мусиқага маҳлиё бўлиб ё бўлмаса, ўша мусиқа биздан чиққан деб мақтаниб ўтиргани йўқ. Яхши гапни, яхши ишни умумлаштириш, оммавийлаштириш, ишни яхшиликлар замирида олиб бориш, шу йўл билан одамларимизнинг сиёсий маданияти, маънавияти, ишлаб чиқаришда ва умуман иқтисодий ислоҳотларда фаоллигини ошириш диққат-эътиборимизда бўлмоқда.

Худди шу мақсаддан келиб чиқиб, яқинда кенгашимиз 10 та жамоат ташкилотлари ва жамғармалари билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан битим тузди. Ҳамкорлик шартлари оддий: одамларга елкама-елка бўлиш. Уларнинг кўнглини, дардини, муаммоларини вақтида англаш, элни ҳар хил майда-чуйда ғирромликлардан, адолатсизликлардан муҳофаза этиш.

Бу — фаолият юритишнинг бир шакли, холос. Эл хизматига чоғланган одамга иш кўп. Гап фақат ишнинг самарадорлигини таъминлашда. Одамлар қалбига йўл топишда.

Жаббор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Денов шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

МАҲМУД УСМОНОВ



Ўзбек миллий амалий санъати оғир жудоликка учради. Атоқли уста, замонавий ганчкорлик мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси, Давлат мукофотлари соҳиби Маҳмуд Усмонов 1997 йилнинг 1 июль куни 88 ёшида вафот этди.

Тошкент шаҳрида туғилган Маҳмуд Усмонов миллий ганчкорлик санъатининг сир-асрорларини отасидан ўрганди. Тинимсиз меҳнат, халқимизнинг бу қадимий санъатига чуқур ҳурмат, машаққатли ижодий изланишлар натижасида у чинакам халқ устаси даражасига кўтарилди. Бутун самарали фаолияти давомида у кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Халқ амалий санъати анъаналарини замонавий меъморчиликка катта маҳорат билан татбиқ эта билди.

М.Усмонов мамлакатимиздаги бир қатор меъморчилик обидаларига қайта жон бахш этишда бош-қош бўлди, Бухородаги Ситораи Моҳи Ҳоса, Тошкентдаги Халқ амалий санъати музейи каби гўзал иншоотлар унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида таъмир этилган.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги театр, Халқлар дўстлиги саройи, хориждаги бир қатор замонавий иншоотлар ва бошқа кўплаб ўзида миллий санъатимизнинг бебаҳо анъаналарини мужассам этган замонавий муҳташам биноларни безашда М.Усмоновнинг ҳиссаси каттадир.

У миллий халқ амалий санъати анъаналарини тиклаш, уни асраш, кўплаб ёш истеъдод эгаларини ўстириш, уларда ватанпарварлик, меъморчилик санъатимизга ворислик туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил меҳнат қилди, чинакам мураббий сифатида фаолият кўрсатди.

Унинг маданиятимиз ва санъатимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Халқ рассоми», Ўзбекистон Бадиий академияси фахрий академиги унвонларига, Давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Машҳур уста, меҳрибон устоз, камтарин инсон Маҳмуд Усмонов хотираси қалбимизда доим сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Ў. РАҲМАТОВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Х, ЖЎРАЕВ, Т. ҚЎЗИЕВ, Ж. ҚУТТИМУРОДОВ, С. МАҲМУДОВ, Р. МАТЧОНОВ, М. АСАДОВ.

Ў, ўзбекнинг фариштаси, эрка оҳу,
Сен хаёнинг ҳайкалисан, вафо рамзи.
Пиёлангда омонлик тут одамларга
Бу дунёга ўргат ўзинг ибо дарсин!

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ОСОЙИШТАЛИКНИ ХОТИРЖАМ ЮРИБ ТАЪМИНЛАБ БЎЛМАЙДИ

дейди Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Аҳмад Усмонов

— Аҳмад Усмонович, ўтган йили Жиззах вилоят кенгаши сессиясида Президентимиз И. А. Каримов барча соҳалар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишидаги нуқсонларга ҳам тўхталиб, уларни зудлик билан бартараф этиш лозимлигини уқтирган эди. Айтингчи, юртбошимизнинг ўша танқидий мулоҳазаларидан ички ишлар ходимлари қандай хулоса чиқардилар?

— Сессиядан сўнг бошқарма бошлиғи милиция полковниги Нортожи Яхшиликов дарҳол ички ишлар идораларининг масъул раҳбарларини йиғиб, нафақат ўзимизга балки бутун вилоятимизга тегишли бўлган камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариб олиб, уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича махсус топшириқлар берди. Чунки юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилган хато-камчиликлар биз, барчамиз аллақачон бажаришимиз керак бўлган ишлар эди. Шу боис, бутун шахсий таркибимиз олдига қўйилган вазифаларни яна бир бор қайта назоратдан ўтказиб, оқсаётган нуқталаримизни жонлантиришга киришдилар. Албатта, бунда вазирлигимиз томонидан жўнатилган махсус кўрсатма ва бўйруқлар ҳам жуда қўл келди. Мана ҳозир барча камчиликларни бартараф этиб бир маромда хизматни давом эттиряпмиз.

— Яқинда ДАН ходимлари 40 кило қорадорини жиноятчилар олиб кетаётган пайтда қўлга олишибди...

— Бутун жаҳон аҳли қарши курашаётган бу иллатнинг илдизи аввало ушбу ўсимликларнинг ўстирувчилари, сақловчилари ва сотувчиларига бориб тақалади. Маълумки, мазкур йўналишда жуда катта ишлар олиб борилаяпти. Ўзбекистон давлатининг шахсан Президентимиз раҳбарлиги остида гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб бораётгани, бу эса бутун жаҳон миқёси Самарқандда эмас, балки Жиззахда ходимларимиз сезиб қолишгани, фош этганда ҳам маҳорат билан жиноятни очишгани кўнглимизни кўтарди.

Негаки, юксиз келаётган КамАЗ автомашинасининг эҳтиёт баллони ичига яшириб қўйилган бу оғуни олиб ўтишда қўсида эътироф этилаётгани сир эмас. Шу боис, биз ҳали 40 килодан зиёд миқдорда гиёҳванд модда — қорадорини ушладик деб, мақтана олмаймиз. Ходимларимизнинг хизмат вазифасини аъло даражада уддалашганини вилоят ИИБ раҳбарияти ва вазирлигимиз раҳбарлари зарур даражада эътироф этишди.

— Мазкур жиноятни очишда кимлар иштирок этишган?

— Менимча, ушбу жиноятни очишда Али ёки Валининг иштирок этганини қайд этиш муҳим эмас, деб ўйлайман. Асосийси Сурхондарёдан чиққан КамАЗ автомашинасидаги ушбу «юкни» Сурхондарё, Қашқадарё жиноятчилар шунчалик устомонлик билан иш юритишганки, мазкур воқедан хабар топгач биз ҳам ходимларимиз зийраклигидан қувондик.

— Мана бу йил — Инсон манфаатлари йили. Вилоят ички ишлар ходимлари кишилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул касб эгалари сифатида қандай тадбирларни амалга оширишмоқда.

— Оддий фуқародан тортиб мансабдор шахсгача барча-барчанинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида имкониятларимизни ишга солиб хизмат қилаяпмиз. Дастлаб жиноятчиликнинг олдини олишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда «Тун», «Тўсиқ», «Тозалаш», «Арсенал», «Қорадори» сингари шартли номланган махсус тадбирлар ўтказиляпти.

Яқинда шундай тадбирлардан бирини ўтказаётган маҳал Жиззах шаҳрининг Ш. Рашидов кўчасида яшовчи Б. И. исмли шахснинг 62 яшар фақахўр аёлни қўрқитиб ундан 250 АҚШ доллари талаб қилиб, 20 минг сўм пулни олаётган пайтда қўлга туширдик. Шунингдек, ходимларимиз 12 бош қўйини ўғрилатиб қўйган салкам 90 ёшли момонинг дардини ҳам тезда енгиллатиб беришди. Тез фурсатда ўғриларни топиб қўйларини эгасига қайтаришгани Инсон манфаатлари йилидаги ишимизга кичик бир мисол.

Бир сўз билан айтганда нимаики ишни бажармайлик, асл мақсад инсонлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат.

— Таъмагирлик иллати ҳуруж қилса, жамият ривожи оқсайди. Негаки бу касофатнинг касрига учраганлар, тамшаниб нимадандир умид қилишга одатланадилар. Бажариши лозим бўлган ишни ҳам «бирон нарса бермасангиз бўлмайди» — деб атайин орқага суришади. Ачинарлиси бўладиган ишнинг «белига тепишиб» кишиларни овора-сарсон қиладилар.

— Жуда ўринли гап. Сир эмас, порахўрлик иллати жамиятимизда бор. Лекин унинг хуруж қилиб кетишига сира йўл қўйиб бўлмайди. Ҳатто бу иллатнинг қонунбузарликка қарши курашни ўргатувчи маскан — Тошкент ҳуқуқшунослик олийгоҳида ҳам мавжудлиги ақл бовар қилмайдиган ҳолатдир. Шоядки, вақт ҳакам экан, ҳаммаси вақти-соати билан жойига тушмоқда. Бизнинг вилоятимизда ҳам бир қатор домлалар дипломфурушлик қилгани учун қўлга олинди. Буларнинг барчаси мана шу иллат илдизини қирқишга қаратилган дастлабки ва энг муҳим қадамлардир.

Ўзимизнинг далилларга мурожаат қилсак, яқинда ходимларимиз Дўстлик шаҳар марказий касалхонаси шифокори Б. Х. исмли шахсни пора олган вақтда қўлга олишди. Бу кимса ўз хизмат ваколатидан фойдаланиб, ушбу туман марказида яшовчи Б. А. исмли йигитнинг укасига II гуруҳ ногиронлик гувоҳномасини тўғрилаб бериш учун ундан 7 минг сўм пулни пора сифатида олаётган экан.

Ёмон бошини ейди

Жиззах шаҳридаги «Тадбиркорбанк» бўлим бошқарувчиси Ж. К. исмли шахс ҳам ўз нафси ортидан панжара ортига «меҳмонга» келди. «Бу «жаноб» «Назокат» хусусий фермер хўжалиги раисининг ишини битириб бериш эвазига унинг фермер хўжалиги ҳисобига ўтказилаётган 25 минг сўм пулдан салкам учдан бирини ўз чўнтаги ҳисобига ўтказишни режалаштирган экан.

Таъмагирликнинг таъмини тотиб кўрганданми ёки бошқа сабабми вилоятимизнинг бинойидай маданиятли ходимларидан бири ҳам юқори мансабда, масъул лавозимда бўлишига қарамай порахўрлик жиноятига қўл уради. Мазкур шахс Жиззах тумани маданият уйи бошлиғидан унинг жамоасидаги кишиларни шаҳодатлашдан ўтказиб бераман деб, 10 минг сўм пул талаб қилган. Шу пулнинг ярмисини олаётганда эса қўлга тушиб юзи шувут бўлиб ўтирибди.

Милиция катта лейтенанти Шуҳрат РЎЗИЕВ суҳбатлашди.

«ҚАЧОНГАЧА ТУРТКИ КЕРАК?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 22 май сонида чоп этилган «Қачонгача туртки керак?» сарлавҳали танқидий мақоласи вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар санитария-эпидемиология станциялари бош врачлари иштирокида муҳокама қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам Фарғона шаҳар санитария-эпидемиология станцияси биноси пештоқига қўйилган пештахта ёзуви шаҳар СЭСи раҳбариятининг эътиборсизлиги туфайли алмаштирилмай қолган. Бу борада йўл қўйган камчилиги учун Фарғона шаҳар СЭСи бош врачи Эргаш Маликовга вилоят СЭС бош врачи буйруғи билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган ва бу камчиликлар бартараф этилган.

Шунингдек, Фарғона аэропортида ҳам «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Рус тилидаги ҳар бир ҳужжат ўзбек тилига таржима қилинган. Сухандонлар селектор орқали маълумот, ахборот ва эълон материалларини Давлат тилида ҳамда рус тилида ўқишмоқда.

Фарғона аэропортида самолётлар ҳаракати ахбороти катта жадвали қонун талабларига асосан тайёрланмоқда. Танқидий мақоладаги аэропорт залида «Тошкент» аэропортидан учадиган самолётлар ҳаракати жадвали рус тилида ёзилганлиги ҳақида гап боради. Бу жадваллар марказлаштирилган тартибда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида таёрланади ва тарқатилади.

Шу боисдан бу тоифадаги жадвалларни тайёрлашда Фарғона аэропорти ўз таклифларини Миллий авиакомпанияга юборган. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.АЗИМОВ.

«ЗАРАРГА ИШЛАШ КИМГА КЕРАК?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил, 15 май)

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси рўзномада чоп этилган «Зарарга ишлаш кимга керак?» сарлавҳали танқидий мақолани кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ Форобий шоҳ кўчасида пудратчи ташкилотлар РСМУ-3 ПОТТ ЭС-5 АОТТСС томонидан иссиқ сув қувурларини ётқизиш, АПСО «Сифат» СУ—36 томонидан эса газ қувурларини ётқизиш бўйича ишлар келишилган ҳолда навбатма-навбат олиб борилган. Иш технология бўйича йўлга қўйилиб ҳамма юмушлар бажарилган.

Форобий кўчасида янги қурилган уйларни қувурларга улаш ишлари олиб борилган ва 89, 31, 116-автобус йўналишлари «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси билан келишилган ҳолда вақтинча ўзгартирилган.

Ҳозирги вақтда газ ва иссиқ сув қувурлари ётқизиш бўйича олиб борилган ишлар тугатилиб, Форобий кўчаси тикланиб, жамоат транспорти ҳаракати учун йўллар очилган.

Яқин орада Форобий ва Мирзо Ғолиб кўчалари кесишган ерда мавжуд магистралга янги иссиқ сув қувурини улаш ишлари олиб борилади, автотранспорт ҳаракати тўхтатилмайди.

Бошқарма бошлиғи А. МАҲМУДОВ.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Ўтган куни Москвада Жанубий Курил ороллари балиқ саноатини ривожлантириш борасида Россия — Япония музокараларининг навбатдаги босқичи бошланди. Музоркалар натижасига кўра Япония балиқчиларининг тижорат йўналишидаги Россия ҳудудий сувларида балиқ овлашига рухсат этиш ҳақидаги шартномалар тайёрланади.

* * *

АҚШ давлат департаментида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Уни давлат департаменти вакили вазифасини бажарувчи Жон Дингер ўтказди. У авваламбор Тожикистондаги фуқаролар урушига барҳам берилиши ҳақидаги ҳужжатларнинг имзоланишини олқишлаётганлигини айтди. Дингер Конгодаги қонли воқеаларга ҳам тўхталиб ўтди. У ушбу мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлигига ортиқ чидаб бўлмаслигини айтди.

* * *

АҚШнинг Пекиндаги элчихонаси Хитой раҳбарлари билан уч марта алоқа ўрнатиб, бу ерда Хитойдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш жонкуярларидан бири Вей Жиншенни ўтган ойнинг бошларида камерадошлари қаттиқ дўппослаганликларига қарши норозилик билдирди.

ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛГАН ДИЁР

4 июль — Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами — Мустақиллик куни

Бундан роппа-роса 221 йил олдин, 1776 йилнинг 4 июлида жаҳон харитасида Америка Қўшма Штатлари деб номланган янги давлат барпо этилди. Бу — дунё тарихида илк демократик тамойиллар асосида сиёсат юритувчи ҳокимиятнинг юзага келиши эди. Америка мустақиллигидан сўнг бирин-кетин Европа мамлакатларида ҳам демократик ўзгаришлар юз бера бошлади. Америка «андозаси» билан йўл тутган ҳар қандай давлат ўз олдига инсон эрки ва ҳуқуқларини тўла кафолатлаш, дин, мафкура, тил ва сиёсий қарашлар эркинлиги ҳамда том маънодаги демократиянинг таъминланиши вазифаларини қўйди.

Мустақил давлат сифатида энди шакллана бошлаган давридан бошлаб, Америка Қўшма Штатлари ҳали-ҳануз ҳар бир жабҳа ва жараёнда етакчилик қилиб келмоқда. «Америка андозаси», Америка тажрибаси ҳали ҳам жаҳоннинг диққат марказида турибди.

Ғарб тадқиқотчилари XX асрни «Америка асри» деб атайдилар. Бу ибора, албатта, бироз муболағали бўлса-да, аммо тан олиш керакки, айни бизнинг асримизда Америка Қўшма Штатлари ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва молиявий, ҳам ҳарбий жиҳатдан жаҳоннинг энг қудратли давлатига айланди. Америка Қўшма Штатларининг молиявий-иқтисодий қудрати айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг жадал ўса бошлади.

Шуни айтиш керакки, АҚШ учун ишлаб чиқариш ва капиталнинг, шу жумладан банк ишида ҳам, юксак даражадаги концентрациялашуви хосдир. Ҳозирги кунда бунинг натижасида 200 дан зиёд энг йирик Америка корпорациялари мамлакатдаги саноат ишлаб чиқаришининг тенг ярмини назорат қилиб туради. АҚШ ташқи иқтисодиётининг муҳим жиҳатлари эса кредитлар, қарзлар ва капитални экспорт қилишнинг бошқа шаклларидан иборатдир. Масалан, 80-йилларда Ғарбий Европа давлатлари «Маршалл плани»ни ҳаётга тадбиқ этиш учун Америкадан қарийб 17 миллиард долларлик кредит олдилар. Кредитлар ажратиш ва ривожланиб келаётган ёш давлатларга беғараз ёрдам сифатида имтиёзли қарз маблағлари бериш йўлини тутган АҚШ ҳукумати собиқ СССР республикалари, жумладан мустақил Ўзбекистонга ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. АҚШ сармояларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштироки эса мамлакатимиздаги бозор инфратизимининг жадал шаклланиши жараёнини тезлаштириб, бозор муносабатларига ўтиш даври муаммоларининг ижобий ҳал этилишига замин яратмоқда. Бундан бир йил олдин — 1996 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига биринчи расмий ташрифи бўлиб ўтди. Мазкур ташриф икки буюк давлат ҳамкорлигининг жуда кўп қирралари, жумладан Америка сармояларини Ўзбекистонга жалб этиш, АҚШ ҳукуматининг мамлакатимизда амалга оширилётган ислоҳотларнинг муваффақиятли бориши учун кўрсатадиган ёрдамларини янада кенгайтириш борасида янги имкониятларни очиб берди. Ушбу ташриф давомида юртбошимиз Ислом Каримов билан учрашган АҚШ Президенти Билл Клинтон Америка ҳукумати Ўзбекистон билан турли соҳаларда кенг миқёсда ҳамкорлик қилишга интилаётганини, бунинг бош сабаби эса республикамизнинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда етакчи ўрин тутганлиги ҳамда мамлакатда амалга ошаётган туб ислоҳотлар ўта муваффақиятли давом этаётгани эканлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг ўзаро ҳамкорликка бўлган кучли интилишлари жорий йил воқеаларида ҳам яққол кўзга ташланди. Жумладан, Американинг иқтисодчилари, ҳарбийлари, сиёсатдонлари ҳамда парламент вакилларидан иборат бир қанча делегациялар Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Шу ўринда АҚШ Конгресси вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, яқинда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг АҚШга расмий ташрифи муваффақиятли якунланди. Хуллас, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ва тенг ҳуқуқли алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда.

Кези келганда, айтиш керакки, бундан бир неча аср илгари буюк ватандошимиз Ал-Беруний тафаккури билан ғойибона кашф этилган Америка бундан 221 йил олдин жаҳондаги биринчи демократик давлат жойлашган замин сифатида қайта кашф қилинган эди. Бугунги кунга келиб эса Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларини ўзининг яқин дўсти ва тараққий этган демократик давлат қуриш йўлидаги катта ҳамкори сифатида яна бир бор кашф этди. Муштарак мақсад — ёрқин келажак сари икки буюк давлатнинг биргаликда қўяётган қадамлари ҳамиша қутлуғ бўлсин!

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Ҳинд миллатчиларининг раҳбари Б.Л.Шарма Ҳиндистон мустақиллигининг эллик йиллиги байрамини мўлжалланганидек, шу йилнинг 15 августида эмас, балки ундан кечроқ нишонлашни таклиф этди, деб хабар беради «Эйшн Эйдж» газетаси. У байрамни суд орқали тақиқлашни мўлжалламоқда. Шарма ўзининг ушбу фаолиятини Ҳиндистон ва Покистон ўртасида юз берган тўқнашувларда қурбонларнинг анча кўп бўлганлиги билан изоҳламоқда. Эслатиб ўтамизки, британияликлар ўз қўл остиларидаги Ҳиндистонни диний мазҳабга кўра бўлиб юборишган эди. Натижада ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида доимий жанжаллар чиқиб турар эди. Қурбонлар ҳам кўпайиб борарди. Шу боис Шарма ҳукумат ва парламентга мурожаат қилиб, миллионлаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келган кунни қандай қилиб байрам қилиш мумкин, деган савол билан мурожаат қилди.

* * *

«Рейтер» агентлиги якшанба куни Албанияда бўлиб ўтган парламент сайловларида социалистлар ғалаба қозонганлигини маълум қилди. Социалистларнинг раҳбари Фатос Нано улар ўз иттифоқчилари билан парламентдаги учдан икки ўринни эгаллашларини айтди. Лекин шунга қарамай мамлакат Президенти, демократ Соли Бериша ҳали сўл томондагилар байрам қилишларига вақт эрта. Парламент сайловлари билан биргаликда сайловчилар референдумда иштирок этишлари зарур. Референдумга биноан Албанияда конституцион монархияни қайта тиклаш масаласи ҳам кўрилади. 1928 йилдан 1939 йилгача тахтда ўтирган қирол Золганинг биринчи ўғли Лека қирол бўлмоқчи. «Рейтер»нинг маълумотига кўра монархистлар ғалабага ишонч билан қарамоқдалар. Агентликнинг хабарига кўра 700 дан зиёд чет эллик назоратчи сайловни кузатиб турибди.

* * *

«Мир» космик станцияси бортида жойлашган космонавтлар яқин келажакда авария оқибатларини тугатишга киришишлари керак. РТР агентлигининг хабарига кўра яқин келажакда станцияга эҳтиёт ва бутловчи қисмлар келтирилади. Шундан сўнг кемани таъмирлаш имконияти пайдо бўлади.

БУ САФСАТА ЭМАС

Кеча ва ўтган куни Гонконг ва Пекинда Британиянинг собиқ мустамлакаси Хитой эгаменлигига қайтиши муносабати билан тантаналар давом этмоқда. Гонконгда маҳаллий вақт билан ярим кечаси Буюк Британиянинг Давлат мадҳияси сўнгги бор янгради. Роппа роса бир минути кам 12 да Британия байроғи туширилди. 12 дан бир минут ўтганда эса бу ерда Хитой байроғи баланд кўтарилди. Буюк Британиядан келган делегация, шунингдек шаҳзода Чарльз байрам тантаналарини тарк этиб, «Британия» қирол яхтасига етиб бордилар. Шундан сўнг Гонконг қирғоқларидан жўнаб кетишди.

***

Россия Президенти Борис Ельцин Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминга мактуб йўллаб, ХХР раҳбариятини ва халқини тарихий воқеа — Гонконгнинг Хитой мамлакатига қўшилиши муносабати билан табриклади. Табрикда Хитойнинг бу худуди молиявий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган жойлардан бирига айланади, деб умид билдирилди.

***

Ўтган куни Минск шаҳрида Саха (Ёқутистон) Республикаси ва Белоруссия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Бу Ёқутистон Республикаси Президенти Михаил Николаевнинг Белоруссияга сафари давомида амалга оширилди. Меҳмонлар Гомелдаги «Кристалл» ишлаб чиқариш бирлашмасида, катта миқдордаги юк ортишга мўлжалланган автомобиллар ишлаб чиқарувчи «БелАЗ» бирлашмасида, Могилевдаги лавсан комбинатида ва Минскдаги трактор заводида бўлишди. Кеча эса Ёқутистон Президенти Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ва Бош вазир Сергей Ланг билан учрашди.

АФҒОН ЖАРОҲАТИ

Қўшнилар ҳаётига бир назар

Қадимда ун беш-йигирма йиллик урушлар бўлганлигини тарихий манбалардан ўқиб билганмиз. Бироқ бугунги кунда шундай уруш бўлишини тасаввур қила олмаганмиз. Йигирманчи асрда юз берган биринчи жаҳон уруши, большевиклар ҳукмронлиги бошланган даврадаги фуқаролар уруши, иккинчи жаҳон уруши, Вьетнам уруши ва бошқа инсониятга офат келтирган урушлар Афғон урушидай узоқ давом этмаган. 18 йил уруш гирдобида яшаш — бу халқ бошига тушган мудҳиш фожиа. Бир пайтлар отаси ташқи душманга — шуролар босқинига қарши урушаётган пайтда, туғилган афғон боласи бугун улғайиб, қўлига қурол олиб ўз ери,. ўз Ватанида ички «душман»га — миллати ва сиёсий мақсади бошқа бўлган ўз биродарига қарши урушмоқда. Туғриси, ақл бовар қилмайди. Катталарнинг шахсиятпарастлиги ёшларни бир-бирига душман қилиб қўйди.

«Мулланинг айтганини қил, лекин қилганини қилма» деган нақл бор. Бу нақл сўзи бошқа-ю, иши бошқаларга нисбатан айтилган. Бундай шахсларнинг давлат ишларига аралашиб қолишлари жуда хавфли. Бизнингча, ҳозир Афғонистонда ана шундай ҳолат юз берган. Ҳарбий-сиёсий гуруҳлар раҳбарларининг қилаётган ишлари бераётган баёнотларига тўғри келмаяпти. Ҳаммаси ҳам динга эътиқоди арбоблар. Бироқ ярашиш ва ягона ҳукумат тузиш масаласига келганда диний эътиқоддан кўра этник манфаатни устун қўйишмоқда. Аслида динга эътиқод кимнинг қайси миллатга мансублиги билан улчанмаслигини яхши билишади.

Аввало инсондаги эътиқод ҳар қандай шахсиятпарастлик ҳамда мансабпарастликдан устун туриши керак. Акс ҳолда эътиқод мунофиқлик билан пардаланган бўлади. Мунофиқлик эса ҳалокатга йўлдир. Афғон жароҳати тузалмаётганлигининг асосий сабабларидан бири шу. Агар кейинги йигирма йилда Афғонистонда юз берган сиёсий воқеаларни кузатган бўлсангиз, шахсиятпарастлик ва ўзгаларнинг ноғорасига ўйнаш бирорта ҳам афғон раҳбарига обру келтирмади, аксинча, унга фожиа келтирди. Нурмуҳаммад Тарокий, Ҳофизулло Амин, Баббрак Кармал, Нажибулло тақдирларини эсланг. Булар ўзиникини душман билиб, ўзгалар билан дўст тутинишган эди. Бундай хиёнаткорликнинг оқибати ҳаммага маълум: бегоналарнинг сиёсий буюртмаларини бажариш мамлакатни, Ватанни, халқни вайрон қилди.

Назаримда ҳозир ҳам Афғонистонда ташқаридан берилаётган сиёсий буюртмаларнинг таъсири катта. Буни мамлакатдаги обрули дин арбоблари ҳам эътироф этишаяпти. Жумладан, Афғонистон Миллий Ислом ҳаракатининг раҳбари Муҳаммад Насим Маҳди хорижнинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида шундай деди: «Миллий камситиш — Исломга бутунлай ёт нарса. Форс билан арабнинг, пуштун билан тожикнинг ўртасида фарқ бўлмаслиги керак. Толибонлар бу қоидани бузишмоқда. Улар миллатлар ўртасида муросасизлик ҳолатини юзага келтиришмоқда. Мустамлакачилар ҳамиша ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш мақсадида мусулмонларни мусулмонлар билан уруштириб келишган. Ҳозир ҳам шундай қилишаяпти. Улар мусулмонларни душман қабилаларига бўлиб юборишди. Толибонлар ана шундай мустамлакачиларнинг ноғорасига ўйнашмоқда».

Шубҳасиз, бу гапда жон бор. Агар ташқаридан ёрдам кўрсатилиб, тегишли йўл-йўриқ берилмаганда толибонлар қисқа вақт ичида бу даражада катта таъсирга эга бўлган ҳарбий-сиёсий кучга айланмаган бўларди. Бироқ толибонларни бутун мусулмон олами қўллаб-қувватлаяпти, дейиш бутунлай нотўғри. Ҳозирча фақат 3 та давлат уларни Афғонистон ҳукуматининг вакили сифатида тан олиш ниятида баёнот берди.

Хорижнинг оммавий ахборот воситалари томонидан «Толибон»ларнинг асосий ҳимоячиси сифатида тилга олинаётган Покистонда ҳам уларни маъқуллаётган кучлар бор. Муҳаммад Насим Маҳдининг гапларига қараганда, Покистоннинг 3 та ислом партияси, яъни Покистон ислом жамияти, Покистон уламолар ислом жамияти ва Покистон Мадраса талабалари жамияти «Толибон»лар қилмишининг исломга алоқаси йўқлигини таъкидламоқдалар.

Яна бир диққатга сазовор фикр. «Независимая газета» Қоҳирадаги Ал-Асхар университети ректори шайх Тантавийнинг афғонистонлик Фотима Хилоний билан қилган суҳбати пайтида айтган қуйидаги гапларини келтиради: «Менимча, улар чет давлатларга ёлланган бўлиб, исломни обрусизлантирмоқчи. Бугунги кунда Европада ҳам, Америкада ҳам Ислом жуда оммавийлашиб кетган, кўплаб одамлар уни қабул қилмоқдалар. Толибларнинг ваҳшийликлари эса ғарбнинг ахборот агентликлари томонидан мусулмонларни дунё халқларига ёмон қилиб кўрсатиш учун атайлаб тарғиб қилинаяпти. Толибонлар ҳаракати ана шу мақсадда ташкил этилган. Бу исломга қарши иғвогарлик».

Ўзбекистоннинг толибонларга муносабати аниқ ва равшан. Ўтган йили сентябрда толибонлар Қобулни эгаллаганликларидан кейин хорижнинг оммавий ахборот воситаларида «Ўзбекистон қандай йўл тутар экан» деган фикр атрофида гаплар кўпайиб кетди. Ушанда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика Миллий ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида: «Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз» деди. Шундан бери орадан бир неча ой вақт ўтди. Бироқ Ўзбекистон фикрини ўзгартиргани йўқ. Мамлакатимиз раҳбари юқоридаги фикрини ЭКОга аъзо давлатлар раҳбарларининг шу йил баҳорда Ашгабатда бўлиб ўтган учрашувида ҳам қатъиятлик билан такрорлади.

Урни келганда, турли мишмишларга сабабчи бўлаётган яна бир нарсани очиқ айтиб ўтиш керак. Ташқи кучлар томонидан баъзан Ўзбекистонни толибонлар билан қўрқитиб, шу йўл билан унинг сиёсатига таъсир кўрсатиш ҳаракатлари кўзга ташланиб қолянти. Бу ҳаракат айниқса, 1996 йилнинг октябрь ва 1997 йилнинг март ойлари ўртасида Россия газеталари ташаббуси билан анча кучайди. Сўнгра бироз пасайгандай бўлган эди. Бироқ май ойининг охирида Афғонистоннинг шимолий вилоятларида юз берган вазият ва толибонларнинг шимол томон навбатдаги ҳужуми билан боғлиқ воқеалар туфайли бундай қўрқитиш васвасаси яна авж олдирилди. Жумладан, Карнеги фондининг Москвадаги вакили Сергей Марков «Би-Би-Си» мухбирига берган интервьюсида: «Толибларнинг шимол томон юриши тўхтамаса Ўзбекистон Россия билан ҳар қандай иттифоқ тузишга мажбур бўлади» деди. Бундай гаплар ўтган йилнинг кузида матбуотда яна ҳам қўполроқ оҳангда айтилганида, Президентимиз ўша қаттис дамлардаёқ иғвогарларга зарба бериб шундай деган эди: «Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилаётгани, жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчилиги ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман. Биринчидан, ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин. Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин ҳавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор».

Бу гаплар орадан тўққиз ой ўтганидан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Президент Ислом Каримовнинг Алматида мухбирларга берган охирги баёноти ана шундай хулоса чиқариш учун асос беради. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш учун курашда Ўзбекистон ҳеч қачон баъзи давлатларга ўхшаб вазиятнинг ўзгаришига қараб беқарор сиёсат юритмаган.

Шубҳасиз, Афғонистондаги ҳозирги вазият учун фақат толибонлар айбдор эмас. Шуролар босқини даврида шимолдан келган душманга қарши урушда жасорат кўрсатган Раббоний — Маъсуд иттифоқи ҳокимият тепасига келганидан кейин муроса йўлини танламади. Аксинча, бу арбобларда ўзаги битта миллатдан иборат буюк давлат қуриш ғояси пайдо бўлди. Ана шу ғояни амалга ошириш йўлида улар ҳатто ўз эътиқодларидан ҳам чекиндилар. Яъни, ўзлари бир неча йил урушган умумий душманни дўст билиб, ундан ҳарбий ёрдам олиб туришди.

Мен Россияни назарда тутяпман. Толибонлар қўлига тушиб қолган қурол ортилган самолётни эсланг. Мен бу ерда толиблар мажбурий равишда Қандаҳорда қўндирган қурол ортилган Россия самолётини назарда тутяпман. Ёрдам тариқасида олиб турилган қуроллар энди ватандош биродарларга қарши ишлатила бошланди. Бундай сиёсат пароканда-ликка, охир-оқибатда Раббоний ҳукумати Қобулни ташлаб чиқишга сабабчи бўлди.

Бурхониддин Раббоний президентлик қилган йилларни эсланг. Ва шимолдаги ва на Жанубдаги ҳарбий-сиёсий кучлар билан яраш битими тузиш ва мамлакатнинг бутунлигини сақлаб қолиш учун бирорта жиддий ҳаракат бўлмади. Раббоний ён босишни, бошқаларнинг таклифларини қабул қилишни хуш кўрмади. Аксинча, вазиятнинг ўзгаришига қараб гоҳ у, гоҳ бу ҳарбий-сиёсий куч билан ўйин қилиб ишончни йўқотди. Ватан тақдирини ўйлаган раҳбар масалани ҳеч қачон тожик-пуштун иттифоқи ёки тожик-ўзбек иттифоқи тарзида қўймайди. Ҳукуматда барча минтақаларнинг ва энтик гуруҳларнинг вакиллари иштирок этишлари керак эди. Бурхониддин Раббоний ҳукумати дастлабки йилларда ана шунга эътибор бермай, аниқроғи шуни хоҳламай катта ҳатога йўл қўйган бўлса, кейинчалик давлатни бошқаришда инқироз юз берганида ишончни йўқотганлиги оқибатида бунга эриша олмади. Ҳатто охирги пайтдаги Ҳикматиёр билан ҳамкорлиги ҳам натижа бермади. У анча кечиккан эди. Ваҳоланки, баъзи қўшни давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат яхлитлигини таъминлашда муроса йўлидан бошқа йўл йўқлигини кўп марта эслатган эди.

Бу борада Раббоний ҳукумати йўл қўйган хатони ҳозир «Толибон»лар такрорлаяпти. Қобулнинг олдинги эгаси ташқи кучлар ёрдамига ишониб ҳеч кимга ён босмаган эди, энди кейингиси ҳам худди шундай йўл тутяпти. Ун саккиз йилдан бери уруш бўлаётган Афғонистонда ҳеч қачон қурол кучи билан тинчликка эришиб бўлмайди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бундан бир неча юз йиллар илгари ҳам, ундан кейин ҳам ҳозирги Афғонистон ҳудудида ягона Пуштунистон давлати қуриш учун ҳаракатлар бўлган экан. Бироқ бу ғояни амалга оширишнинг иложи бўлмаган. Чунки Афғонистон ҳудудида яшаётган халқларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар қайси миллатга мансубликларидан қатъи назар афғон халқи деган ягона ном билан аталади.

Афғонистоннинг собиқ СССР таъсирида бўлган шуропараст ҳукуматини қулатишга генерал Аҳмадшоҳ Маъсуд каби генерал Абдурашид Дустум ҳам катта ҳисса қўшди. Демак, у Раббоний ҳукуматида масъул лавозимлардан бирига даъвогар эди. Бироқ, Раббоний дастлаб бундай лавозимга уни лозим топмади. Мамлакатнинг олтита вилоятини назорат қилиб турган генерал билан ҳисоблашмаслик ҳукуматта қимматга тушди. Ҳукумат ким дўст-у, ким душман эканлигини кеч англаб етди. Генералга не-не тамғалар босилмади. Шунга қарамасдан у ўтган йилнинг кузида пойтахтни ташлаб чиққан президент билан мудофаа вазирини дўстона қарши олди. Шимолдаги генерал бу ҳаракати билан мамлакатнинг учдан икки қисмини эгаллаб турган «Толибон»ларга душман бўлиб қолишидан қўркмади.

Генерал Абдурашид Дустум ҳақида гап кетгудек бўлса, хорижнинг оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда Россия газеталари унинг ўзбеклигига алоҳида урғу беришади ва бу билан Ўзбекистонга дахлдорлигига шаъма қилгандай бўлишади. Бу ғирт иғвогарликдан бошқа нарса эмас. Дустум Ўзбекистон мустақил бўлмасидан олдин ҳам, яъни собиқ империяни шуролар бошқараётган даврда ҳам Нажибулло ҳукуматида катта салоҳиятга эга генерал бўлган. У кейинги йилларда Афғонистон шимолини миллий низолардан, вайронагарчиликдан, беқарорликдан маълум даражада сақлаб қолди. У қочоқ пуштунларга ҳам, қочоқ тожикларга ҳам шимолдан бошпана берди. Яқин вақтларгача у назорат қилиб турган ҳудудларда вазият бирмунча тинч ва осойишта эди. Унинг ҳарбий бўлинмалари толибонларга қарши тура олиши мумкин бўлган асосий куч эди. Яқинда у билан генерал Абдулмалик ўртасида, умуман, Шимолий Афғонистонда бўлган воқеа мамлакатдаги вазиятни янада мураккаблаштириб юборди. Ана шундай вазиятда ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида бир томонлама хулоса чиқариб бўлмайди, албатта.

Бироқ битта нарса аниқ ва равшан: воқеа Афғонистонда бўляпти, ҳар иккала ҳарбий саркарда ҳам афғон генералларидир. Россиянинг айрим газеталари эса воқеа худди Ўзбекистонда содир бўлаётгандай, ўзбеклар ўртасидаги келишмовчиликдай талқин қилишиб, Афғонистондаги воқеадан ўзбекларни камситиш мақсадида фойдаланмоқдалар. Афғон генералларининг ўзаро муносабатларини, хатти-ҳаракатларини «ўзбек генералларининг сотқинлиги» деб талқин қилмоқдалар. Айниқса «Независимая газета» бу борада асосий ўйдирмачи десак хато қилмаймиз. Жумладан, газетанинг шу йил 29 май сонида босилган мақоладаги қуйидаги ибораларга эътибор беринг-а: «Тошкентпараст ўзбек генералининг мағлубияти», «Толиблар Дустумнинг ўзбек-афғон қўшинларини янчиб ташлади, бу қўшинларнинг таркиби этник ўзбеклардан иборат», «Жанговар ҳарбий тайёргарлиги ва тажрибаси бўлмаган ўзбек армияси қийинчиликлар билан тўқнашиши аниқ», «Ўзбек армиясига 201-дивизия бўлинмалари ёрдамга келиши мумкин». Эртасига бу газета шундай деб ёзди: «Афғон ҳукумати ўзбекларга ҳамиша катта гумонсираш ва ишончсизлик билан қараб келган. Чунки уларда яширин таслимчилик ва душманлик муносабати борлиги учун гумон қилиб келишган. Шунинг учун ўзбекларни армияга олишмаган, айниқса, зобитлик лавозимларига. Фақат совет қўшинлари киритилганидан кейингина ўзбек «ажинаси» эркинликка эришди». Умуман, бир баҳона топиб ўзбек миллатини камситиш Россиянинг оммавий ахборот воситалари учун модага айланиб қолди. Бу аламзадалик билан атайлаб авж олдирилаётган ҳолат. Аслида хиёнат ва ғаммачилик Россиянинг айрим сиёсатчилари билан ҳарбийлари учун одатий воқеликка айланиб қолганлигини бугунги кунда ҳамма билади.

Афғонистоннинг келажаги ва тақдири «Толибон»лар , Раббоний—Маъсуд, Абдулмалик кучлари бундан кейин қандай ҳаракат қилишларига боғлиқ. Агар улар муросага ва муроса йўлини танлашмаса, Афғонистон парчаланиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Томонлардан биринин фақат ғалабага умид боғлаб, урушни давом эттириши ҳалқа ҳозиргидан ҳам баттар фожиа келтиради. Рақиблар ҳозирги чегарада тўхтаб қолишлари ҳам мумкин. Бироқ бу тинчлик келтирмайди. Томонлар вақтинчалик тинчликдан фойдаланиб, ташқаридан ҳарбий ёрдам олиш билан уруш хавфини яна кучайтириб юборишлари мумкин. Кузатувчилар томонлардан бири иккинчиси билан тил топишиб, учинчи кучни бартараф этиш мумкинлигини ҳам тахмин қилишяпти. Бу ҳолатда вақтинча тил топишган иккита кучдан биттаси кейинчалик бошқасининг манфаати йўлида қурбон бўлади. Демак, мамлакат ҳудудидаги барча минтақалар ва этник гуруҳларнинг манфаатлари уйғунлашган мақбул ечим топилмас экан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилмайди. Музокара ва ярашишдан бошқа йўл йўқ.

Марказий Осиёдаги давлатлар, хусусан, Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятдан нега безовта бўляпти, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Чегарада қуролли иғвогарликлар бўлиши, қочоқларнинг кўпайиши, юқумли касалликлар тарқалиши ва наркотик моддалар олиб утилишидан ташқари катта давлатлар геополитик мақсадни кўзлаб, Афғонистон ҳудудини қўшни давлатларга тазйиқ утказиш майдонига айлантиришлари аниқ. Бу минтақадаги мустақил давлатлар дахлсизлигига хавф туғдиради.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Марказий Осиёдаги давлатларнинг иқтисодий имкониятлари учун ҳам жуда зарур. Бу масала бир неча йилдан бери кун тартибидан тушмай келаётир. Бироқ ҳалигача аниқ ечимини топгани йўқ. Бунга афғон жароҳати тўсқинлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЭКОга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ашгабатда бўлган учрашувида таъкидлаб ўтганидек, «Токи қўшинларимиз ҳудудида беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ётқизилаётган темир йўл шаҳобчалари ёки қурилаётган катта автомобиль йўлларидан салмоқли натижалар кутиш мумкинми? Биз бу мамлакатлардаги аҳволни яхшилаш учун уларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, уларга иқтисодий ўсишнинг аниқ лойиҳаларини таклиф қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз».

Афғон жароҳатини фақат сиёсий ҳамда иқтисодий омиллар билан даволаш мумкин. Бошқа йўл йўқ.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист.



Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 3-iyul, payshanba № 77 (22.161).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

БИЗНИНГ СОҲА ҲАМ БИР ФАН...

Санъатимиздаги номлар

Таниқли ҳофиз Эркин Рўзиматов билан суҳбат



Санъатни чаманга қиёс қиладилар, санъаткорни эса гулга. Бу жуда чиройли ўхшатиш эмасдир, бироқ ҳар жойда бор тош-у тарозу деганларидек, бу гулшандан гул узмоқ ҳаммага ҳам насиб этавермас экан. Ким бунга мушарраф бўлган-бўлолмаган — ўзингиз баҳолайверинг. Зеро, чаманнинг гуллари қанчалар турфа хил бўлса, уларнинг таратмиш ифори-да ранг-баранг.

Хизмат кўрсатган «Баҳор» ансамбли хонандаси Эркин Рўзиматов ҳам, назаримда, кўпчиликнинг эътирофини қозона олган санъаткорлардан.

Санъаткор халқи, тўғриси, кўпинча айтган вақтида келмайди. Шу боисданам, Эркин Рўзиматовнинг биринчи ваъдалашган кунимиз ўша «тамойил»дан чиқа олмаганини тўғри тушундиму, учрашган вақтимиз барибир ҳазил аралаш «бетгачопарлик одатим»ни ишга солдим. Жавоб ҳам шунга яраша, самимий бўлди: «Ака, ўзи тажрибангиз йўқ экан, бундан буён санъаткорнинг ваъдасини унинг тўй дафтарига ёздириб қўйишга одатланинг — вақтида келмаса, мен кафил». Яхши маслаҳат, шундай эмасми. Суҳбатни ҳам шу мавзудан бошлай қолдик...

— Тўй деганда, мен шахсан бир ўзбекнинг неча йиллик орзу-ҳаваси мужассамлашган, ниятлари рўёбга чиққан кунни тушунаман. Тўйга айтилган санъаткор ҳам шу мужассамликнинг бир қисми. Баъзи санъаткорлар учун эса тўй, хафа бўлмасангиз, кейинги вақтларда биргина пул топиш манбаига айланиб қолаяпти-да...

— Мен ўзимдан келиб чиқиб жавоб берай Сизга. Инсон ёшлигида, энг бошида қандай ўрганган бўлса, шу нарса унинг бир умр йўлини, юриштуришини белгилаб келаркан. Бизда, яъни Фарғона йўлида тарбия топган ашулачиларда бир одат устувор эди: яъни, устоз ва шогирд муносабатларида ҳар ким ўз жойи, ўз ўрнини билади. Ҳали уларнинг кўнглини топа билмай, тўйга чиқиш, улар ва уларнинг тенгқурлари қатнашаётган давраларда ашула айтишга бизлар жуда ҳайиқардик. Нега? Чунки, тўй биз учун катта имтиҳон эди. Халқнинг имтиҳонидан ортиқ масъулиятли, кўпқиррали имтиҳон бўлмайди. Шунинг учун... Сиз бугундан келиб чиқиб сўрасангиз ҳам, мен ўша тамойилларимдан кечмаганлигимни айтиб қўяй. Демакки, Сиз иддао қилган мақсадни ҳам шахсан биринчи даражага қўймаганман ҳеч.

— Демоқчисизки, ўша «иддаолар» ўринсиз...

— Айтишга тўғри келиб қолди, яқинда машҳурроқ «ҳофиз»лардан бири билан тўйда хизматда бўлиб қолдик. Бу сўзларни қўштирноқ ичида айтаётганимнинг боиси, қаранг, қанча ҳақиқий санъаткорларни ўзига тенг кўрмайдиган биродаримиз «Тўйлар муборак»ка гал келганда менга: «Шуни Сиз айтиб беринг» деб қолди! Кейин сўрасам, бу «буюк санъаткор» тўйга юз марталаб борса-да, ҳалигича «Тўйлар муборак»ни билмас экан...

— Сизнингча, ашула айтиб элга хизмат қилиш касбини танлаган созанданинг асл мақсади нима бўлиши керак?

— Менимча, бу касбни фақатгина танлашнинг ўзи билан иш битмаса керак. Чунки танлаганлар ва танлаётганлар жуда-жуда кўп. Қолганлар эса... Бугун санъаткорлар жуда кўпайиб кетди, дейиш ҳам ўринли эмас. Сиз истангистаманг, ҳақиқий санъаткорлар жуда озчилик.

Менга қолса, бизнинг соҳа ҳам бир фан. Бунда ҳам ўрганилиши, ўқилиши зарур бўлган мавзулар, дарслар бисёр. Биргина устоз Жўрахон Султоновнинг қўшиқчилик борасида яратиб келган тамойилларини олинг. Ахир қўшиқ деганда нола бўлади, авж бўлади, созга жўр бўлишнинг қоидалари, Оллоҳ берган овозни тарбиялаб бориш, уни асраш, мусиқани тушуниш, саҳна маданияти... Хуллас, уларни катта бир мактабга қиёслайман. Шу боисданам ҳақиқий санъаткорлар озчилик деймиз.

Агар кескин гап қилдингиз, деб койимасангиз, бир шахсий фикримни айтсам. Халқчил санъат деганда, мен Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров (Оллоҳ уларни раҳматига мушарраф этган бўлсин), бугунги кунда эса Фахриддин Умаров, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Саодат Қобулова, Ортиқ Отажонов, Камолиддин Раҳимов, Хайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Ёқубов, Маъмуржон Тўхтасиновларнинг санъатларини тушунаман. Умуман «санъаткор», «ҳофиз» каби сўзларни ҳамма микрофон ушлаганга ишлатиб, бу сўзларнинг асл моҳиятини бузавериш керакмас. Ҳозирда, бирон асл ашула яратган ҳам, ярата олмаган ҳам «биз — санъаткорлар» деб қўяди. Кечирасиз, шарт тўхтатиб сўрагим келади: «Қанақа санъаткорсиз, биродар, ростими ё қўштирноқ ичидагисими?» — деб. Ахир бу ўтган ҳофизларимизга, хассос устозларимизга нисбатан ҳам ҳурматсизликнинг, қолаверса, умуман худбинликнинг энг яққол кўриниши эмасми? Ана шундайларнинг жоҳилларча манманлик қилаётганлигидан жаҳлим чиқади, ғашим келади. Менимча, ўша тарбия топган муҳит, олинган тарбияда гап кўп. Айтишади-ку, уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар деб...

— Унда сизни тарбиялаган муҳит ҳақида гаплашайлик.

— Биласиз, мен хассос санъаткорларнинг киндик қони томган Қувада туғилиб катта бўлганман. Асримиз бошида эл ардоғига сазовор бўлган санъаткорлар уста Жума, Даврон ҳофиз, улардан кейинроқ даврага қўшилган Ғофур ғижжакчи, кейин, мана устозларимиздан Таваккал Қодиров, яна ўзимнинг акам Озодбек Рўзиматов, Султонали Маннопов, Исроилжон Усмоновлар, қолаверса, бугун ўз истеъдодлари билан эл сийловига мушарраф бўлган Абдуҳошим Исмоилов, Маҳмуджон Тожибоев, Нуриддин Ҳайдаров, Абдулҳай Каримовлар туғилиб, камолот даражаларига етган юртнинг фарзандиман, бу мен учун катта бахт. Она авлодимиздан Бахти ҳофиз исмли санъаткор ҳам ўтганки, кексалар у кишини яхши хотирлаб юришади.

— Энди, Эркин ака, бир гап-да, Сизнингча шу ашулачиликка, ҳақиқий ҳофизликка эришиш учун, мен ўйлайман, шу барибир ўзимизнинг мумтоз санъатимизни тушунадиган, ижро эта оладиган даражага чиқиш лозим...

— Ҳа, балли! Биринчи навбатда одам ортга, шу пайтгача босиб ўтилган йўлга қараб, уни ўрганиб, ундан керагини олиб, ривожлантириб, бир натижага эришгани табиий деб тушунаман. Қолаверса, бизнинг мумтоз санъатимиздай бой мерос ҳеч бир халқда йўқ. Бу қатъий фикрим. Кечирасиз-у, шундай экан, «Муножот», «Феруз», «Сувора», «Ушшоқ»ларни ўрганмай, уларни маромида қуйлай олмай, қандай қилиб биз ўзимизни «ўзбек санъаткори» дейишимиз мумкин? Тўғриси, мен бу борада Хоразм санъат аҳлига ҳавас қиламан. Нега? Биргина мисол айтай. Яқинда устоз Комилжон Отаниёзов таваллудига бағишлаб хоразмлик санъаткорларнинг катта концерти бўлиб ўтди. Ўйлайманки, шу яқин вақтларда ҳашаматли Халқлар дўстлиги саройи бунчалар соф ўзбеккона оҳангларга чулғанмаган эди! Қойил-э, катта саҳнага илк бор чиқаётган ёшлар ҳам мумтоз ашулаларни шундай қиёмига етказиб ижро қилишяптики, замонавий асбобларсиз, табиий, миллий, дилтортар мусиқа асбобларимиз берган садолар санъатсеварлар қалбига шундай муҳрландики... «Ҳақиқий санъаткор бўлиб етишиш учун вояга етказадиган муҳитнинг ўзи шунга монанд бўлиши лозим» деб ўйлардим...

— Эркин ака, маълумки, сизнинг санъатингиз Фарғона — Тошкент ижро йўлида ривожланиб келаяпти. Ўйлайман, ушбу йўлда ижод қилаётган санъаткорларимизнинг кўнглида бир-биридан ортда қолиб кетмасликка ўхшаш бир мусобақа бор-да...

— Жўрахон Султоновни эсланг. У «Сувора»ларни шундай ижро этиб қўйганки, хоразмлик санъаткорлар ҳам бунга тан беришган. Кейин Хожихон Болтаев (раҳматли), Рўзимат Жуманиёзовларнинг Фарғона йўлидаги ашулаларни қийиб қўйишлари... Сиз айтмоқчи, ўзига хос мусобақанинг ана ўшалар кўрсатиб қўйган йўлда ривожлантира олсак — қандай гўзал иш бўларди!

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови ҳақида ўйларингиз?

— Бу йилги танловга Муҳаммад Юсуф, Охунжон Ҳакимов шеърларидан қўшиқ тайёрладим, насиб этса шулар билан иштирок этиш ниятим бор. Танлов ҳаммамиз ёдлаб айтиб юрадиган, миллий ғимнимиз қаторида турадиган қўшиқлар яратишимизга сабаб бўлиши лозим, деган орзудаман.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД
суҳбатлашди.

СПОРТ ВА ШУҲРАТ КЎЗГУСИ

Жисмоний тарбия ва спорт истиқлол юртимизнинг порлоқ келажак сари собит қадам ташлашида ўзига хос омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида эл саломатлиги ҳақида қайғуриш, хусусан, жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида самарали саъй-ҳаракатлар қилинди. Ўзбекистон ўз спорти билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортди. Ривожланган, айниқса ривожланаётган мамлакатлар юртимиз спортига ҳавас билан қарай бошлади. Халқаро олимпиада қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранчнинг мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюриши ҳам бежиз эмас.

Бундай дадил одимлар спортимиз довруғи халқаро миқёсларда ошиб бораётганлиги, аввало юртбошимизнинг соҳага раҳнамолигидандир. Ватанимизда мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш билан ёшларга жаҳон андозаларига мос шароитлар яратилмоқда. Президентимизни халқаро олимпиада қўмитасининг Олтин нишони билан мукофотланиши амалга оширилаётган бу борадаги катта ишларнинг эътирофи бўлганди.

Яқиндагина Осиё олимпиа кенгашининг президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ юртбошимизга Олтин олимпия нишонини топшириши ҳам мухлислар қувончига қувонч қўшди. Куни кеча пойтахтнинг Олимпия шон-шуҳрати музейида ана шу — Осиё Олимпия кенгашининг Олтин нишонини музейга қўйилишига бағишланган ўзига хос тантана бўлиб ўтди.

Музей юртимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш, юқори натижаларга эришиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ўзига хос кўзгусига айланган. Бинога кираверишдаги икки томон деворига ўрнатилган улкан экранда спортимиз оламида юз берган йирик воқеаларнинг унутилмас лавҳалари жонланиб турарди. Ишқибозлар чанғида акробатик машқлар устаси Лина Черязова, профессионал боксчи Артур Григорян, моҳир футболчи Миржалол Қосимов ҳамда Олимпияда ўйинлари, футбол бўйича Осиё кубоги, бокс бўйича Осиё чемпионати ҳамда Хиросимада футболчиларимиз эришган ютуқлардан олинган тасвирлар билан завқландилар. Айниқса, юртбошимизга халқаро олимпиада қўмитаси ва Осиё олимпия кенгашининг олий мукофотларини топшириш чоғлари акс эттирилган лавҳалар мафтункор.

Музейнинг кўзга кўринарли ерида халқаро олимпиада қўмитасининг Олтин нишони намойиш қилинмоқда. Энди унинг ёнига Осиё олимпия кенгашининг Олтин нишони ҳам қўйилади. Бу мукофотни музейга топшириш чоғида спорт жамоатчилиги, моҳир спортчилар ва журналистлар тўпландилар. Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев нутқ сўзлаб, музейни ана шундай мукофотлар билан бойитишда спортчиларга муваффақият тилади. Йиғилишда республика спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов, Миллий олимпия қўмитаси президенти С. Рўзиев иштирок этишди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АГРО-ТИЖОРАТ КОЛЛЕЖИ

1997—1998 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА:

1. ЎСИМЛИКЛАР МУҲОФАЗАСИ (кундузги);
2. ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ (кундузги);
3. АГРОНОМ-ИҚТИСОДЧИ ФЕРМЕР (кундузги ва сиртқи);
4. АГРОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (кундузги ва сиртқи);
5. МУҲОСИБЛИК ҲИСОБИ, НАЗОРАТ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ (кундузги) ОЧИЛИШ АРАФАСИДА;
6. СОЛИҚ ВА СОЛИҚ СОЛИШ (кундузги) ОЧИЛИШ АРАФАСИДА.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Коллежнинг кундузги бўлимларига тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта маълумотли, кириш имтиҳонларини ҳамда тест синовларини муваффақиятли топширганлар қабул қилинадилар. Коллежда ўқиш муддати 8-9-синфларни битирганлар учун 3 йилу 6 ой, тўлиқ ўрта маълумотлилар учун эса 2 йилу 6 ой. Ўқишга шартнома асосида ҳам қабул қилинади.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШЛАРИ ЛОЗИМ:

1. Директор номига ариза;
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);
3. Тиббиёт маълумотномаси (намуна 086 — У);
4. 6 дона фотосурат (3х4 см. катталикда);
5. Паспорт, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга аризалар шу кундан 25 июлгача қабул қилинади.

8-9-синфни битирганлар ўзбек тили ва математика фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар.

«Ер тузиш», «Агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил этиш» ва «Фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил этиш» мутахассисликларига кирувчи тўлиқ маълумотлилар ўзбек тили ва математика фанларидан, «Ўсимликлар муҳофазаси» мутахассисликларига кирувчилар эса ўзбек тили ва химия фанларидан тест саволлари асосида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Коллежнинг кундузги бўлимларида ўқийдиган ўқувчилар учун давлат томонидан — 1375 сўмдан — 1718 сўмгача стипендия берилади.

Коллежни тамомлаганлар танланган асосий касбдан ташқари қўшимча: тракторчи, пахта териш машинаси ҳайдовчиси, кичик сотувчи, экспедитор касбларини эгаллайдилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГИЗ!

КОЛЛЕЖ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани «Ўрикзор» даҳаси, Тошкент агро-тижорат коллежи. Индекс: 700106.

1. «Пахтакор» метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача — 53-автобус.

2. «Тўқимачилик» комбинати бекатидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача — 182-автобус.

3. «Чилонзор» метро станциясидан Тошкент агро-тижорат коллежи бекатигача — 125-автобус.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Агар Сиз мулкдор бўлишни, бойлигингизга бойлик қўшилишини хоҳласангиз ва фарзандларингизнинг нурли келажагини таъминлашни истасангиз республика Кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорлик қилинг. Кўчмас мулк биржасида шу кунларда:

— Уй-жой қуриш учун ер майдонлари,
— автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари,
— қурилиши тугалланмаган бинолар,
— банкротга учраган турли корхоналар,
— ўрта ва кичик корхоналар,
— савдо ва маиший хизмат корхоналари,
— «Ўзгўштсутсаноат», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавот» уюшмаси тасарруфидаги турли кўчмас мулклар,
— ҳар хил русумдаги юк ва енгил автомобиллар,
— токзорлар, мевали боғлар,
— фойдаланилмаётган ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар.
— уй-жойлар бозори чаққон.

1997 йилдан Кўчмас мулк биржаси мамлакатимиздаги кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорига киришди. Агар Сиз, бирор мулкингизни сотмоқчи ёки харид қилмоқчи бўлсангиз, Кўчмас мулк биржаси ишончли ҳамкорингиздир. Биржада амалга ошириладиган ҳар бир олди-сотдининг қонунийлиги кафолатланган. Қонунийлик эса руҳиятингиз хотиржамлиги демакдир.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси.
Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29. 36-79-62, 32-06-10.
Факс: 36-15-32, 36-06-17.

Вилоятлардаги юртдошларимиз ҳар бир вилоят марказидаги Кўчмас мулк биржасининг филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

ДИҚҚАТ!

Тошкентдаги 16-шаҳар шифохонаси ҳудудида «Кўкрак хирургияси» бекатида 25 июнь куни соат 15.00 да сариқ полиэтилен сумкада **ҲУЖЖАТЛАР** йўқолган.

Илтимос, кимдаким уни топиб олган бўлса, пул мукофоти эвазига қайтаришини сўраймиз.

Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин: 33-38-55 (кундузи 18.00 гача), 43-12-24 (кечқурун соат 18.00 дан кейин).

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80. факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА
навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА